

ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ ПОЙТАХТ ШАҲАРЛАРИ НОМЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ - ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

Байқабиллов Хуснудин Марданович

Шахрисабз давлат педагогика институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси
доценти, география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Ушбу мақолада Жануби-Шарқий Осиё пойтахт шаҳарлар номланишининг тарихий географик жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, мақолада Жануби-Шарқий Осиё пойтахт шаҳарларининг шаклланиш тарихи ҳамда номланишига оид баҳс-мунозаралар ҳам тарихий факт сифатида келтирилган.

Калим сўзлар: пойтахт, махсус федерал округ, Бангкок, Бандар-Сери-Бегаван, Вьентьянь, Нейпидо, Дили, Жакарта, Куала-Лумпур, Манила, Пномпень, Сингапур, Ханой.

ИСТОРИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ НАЗВАНИЙ СТОЛИЦ ЮГО-ВОСТОЧНОЙ АЗИИ

Байқабиллов Хуснудин Марданович

доцент кафедры «Общественных наук»

Шахрисабзского государственного педагогического института,
доктор философии (PhD) по географии

Аннотация. В данной статье рассматриваются историко-географические аспекты именования столичных городов Юго-Восточной Азии. Также в статье изучены история образования и споры по поводу их наименования приводятся как исторический факт.

Ключевые слова: столица, особый федеральный округ, Бангкок, Бандар-Сери-Бегаван, Вьентьянь, Нейпидо, Дили, Джакарта, Куала-Лумпур, Манила, Пномпень, Сингапур, Ханой.

Baykabilov Khusnudin Mardanovich

Associate Professor of the department of Geography, (PhD)

The Shahrissabz State Pedagogical Institute, Uzbekistan

HISTORICAL – GEOGRAPHICAL ASPECTS OF THE NAMES OF SOUTH- EAST ASIAN CAPITAL CITIES

Annotation. This article describes the historical and geographical aspects of the naming of capital cities Southeast Asia. This article also discusses the history of the formation and naming of capital cities of the Southeast Asia as a historical fact.

Key words: *capital, special federal district, Bangkok, Bandar Seri Begawan, Vientiane, Naypyidaw, Dili, Jakarta, Kuala-Lumpur, Manila, Pnom Penh, Singapore, Hanoi.*

Кириш. Пойтахт – давлатнинг бош шаҳри, мамлакатнинг маъмурий-сиёсий маркази. Пойтахт одатда, марказий (умуммиллий) ҳукумат, парламент ва суд муассасалари қароргоҳи ҳисобланади. Одатда, пойтахт алоҳида бошқарув тартиби бўлган мустақил маъмурий бирликка ажратилади. Кўпчилик федератив давлатларда пойтахт федерациянинг бирон-бир субъекти ҳисобланмайдиган махсус федерал округ ҳудудида жойлашган бўлади. Кўпчилик мамлакатларда пойтахт қаерда бўлиши конституция матнида тўғридан-тўғри кўрсатилади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6-моддасида “*Ўзбекистон Республикасининг пойтахти – Тошкент шаҳри*” дейилган [1;5-б.]. Шаҳарларни кўзгу десак, муболаға ҳисобланмайди. Чунки, бирор жамиятнинг ривожланишига ёки бугунги кун таракқиётига баҳо берадиган бўлсак, унинг шаҳарларига, хусусан пойтахт шаҳарларига қараб хулоса чиқарамиз.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Биз қуйида Жануби-Шарқий Осиё пойтахт шаҳарларини шаклланиши ва номланишининг тарихий-географик хусусиятларини ёритишни лозим топдик.

Асосий қисм. Дастлаб Жануби-Шарқий Осиёда мамлакатшунослик ва тарихий-географик тадқиқотлар олиб борадиган қуйидаги илмий-тадқиқот муассасалари ҳақида маълумот бериб ўтсак: Япониянинг Шарқий Осиё тадқиқотлари институти, АҚШнинг Жон Хопкинс университети қошидаги Жануби-Шарқий Осиё институти, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Пекин миллатлар маданияти саройи (Хитой), Нанкин тупроқшунослик ва география институти (Хитой), Сингапур Жануби-Шарқий Осиёни ўрганиш институти, Хитой Фанлар Академиясининг География ва табиий ресурслар институти, Хитойнинг ижтимоий фанлар Академияси ҳузуридаги Жануби-Шарқий Осиёни тадқиқ этиш институти самарали шуғулланиб келмоқдалар[2;55-б.].

Сўзимиз бошида минтақадаги мамлакатларнинг баъзиларининг номи хам XX асрнинг 30-йилларидан то 90-йилларга қадар ўзгаришга турли сабаблар билан ўзгаришга учраган (1-жадвал).

1-жадвал

Номи ўзгарган Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари рўйхати

№	Аввалги номи	Номланиш санаси	Ҳозирги номи	Географик ўрни
1	Сиём давлати	1939 йил	Таиланд	Ҳинди-Хитой ярим ороли
2	Камбожа	1970 йил 18 март	Кхмер Республикаси	-
3	Кхмер Республикаси	1976 йил 5 январь	Кампучия	-
4	Шимолий ва Жанубий Вьетнамнинг бирлашуви	1976 йил 2 июнь	Вьетнам	-
5	Бирма	1989 йил 18 июнь	Мьянма	-
6	Кампучия	1989 йил 1 май	Камбожа	-

Изоҳ: жадвал адабиёт маълумотлари асосида муаллиф Х.М. Байтомонидан тузилган.

Минтақадаги мамлакатлардан **Вьетнам** атамаси илк бор XVI асрда Нгуен Бин Кхием исмли шоир томонидан «*Вьетнам яратилди*» номли китобида қўлланилган. 1804-1813 йилларда император Зя Лонг ушбу атамани расмий ҳужжатларда қўллашни йўлга қўйган. X асрга қадар мамлакатни маҳаллий аҳоли *Аннам* деб номлаб келган. Вьетнам сўзининг маъноси “*жанубий мамлакат*” демакдир. Мамлакатнинг пойтахти *Ханой* вьет тилида “*ха*” – “*дарё*”, “*ной*” – “*оралиқ*”, “*ичи*” маъносида “*дарё билан ўралган*”, “*дарё ўртасидаги шаҳар*” мазмунида қўлланилади. Шаҳарга V асрда (баъзи манбаларда VIII асрда) асос солинган. IX-XI асрларда Дайла, XI асрдан 1833 йилгача Тханглаунг ёки Донгкинъ деб аталган. 1804 йил пойтахт Хюэ шаҳрига кўчирилган, Ханой мамалкатда бош шаҳар бўлиб қолди. 1976 йил 2 июлдан мамлакатнинг пойтахти. [3;102-б.].

Жануби-Шарқий Осиёдаги шаҳар - давлатлардан бири **Сингапур** ўз номини 1819 йилда инглизлар томонидан асос солинган шаҳар номидан олган. Шаҳарнинг номи санскритча «арслон (шер)лар шаҳри» деган маънони англатади [7;278-б.].

Куала-Лумпур ҳозир ҳам Малайзиянинг пойтахти ҳисобланади. Аммо аҳоли ва машиналарнинг кўпайиб кетгани туфайли 2002 йилда давлат муассасалари, бош вазир маъмурияти ва суд инстанциялари пойтахт четидаги Путражаяга кўчирилди. Бундан мақсад шаҳарни бошқаришни, фуқароларнинг давлат муассасалари ва судларга мурожаат қилишини осонлаштириш эди. Мамлакат парламенти эса ўз йиғилишларини ҳали ҳам Куала-Лумпурда ўтказди. Путражаяга 1995 йилнинг октябрида асос солинган ва у мамлакатнинг илк бош вазири – келиб чиқиши шахзода бўлган Абдул Раҳмон шарафига ана шундай номланган. “Путра” – шахзода, “жая” эса шонли деган маънони билдиради.

Индонезия ҳукумати мамлакатнинг тирбандликлар ва аҳоли сони ортиб кетишидан азият чекаётган пойтахти **Жакартани** Борнео оролларида кўчиришни режалаштирмоқда. Аний жой ва муддат ҳали маълум қилинмади, аммо президент Жоко Видодо бу ҳақда парламентнинг август ойидаги сессиясида расман эълон қилиб бўлди. Кўчиришнинг сабаблари аниқ. Жакарта аста-секин чўкиб бормоқда – йилига ўртача 1 сантиметрдан 15 сантиметргача. Олимларнинг баҳолашига кўра ҳозирги пойтахт 2050 йилга бориб тўлиқ сув остида қолиши мумкин. Шаҳарнинг ярми амалда аллақачон денгиз сатҳидан пастлаган, чунки Жакарта ботқоқ ерда жойлашган, уни Ява денгизи ювиб туради ва шаҳар ичидан 13 та дарё оқиб ўтган. Бундан ташқари, Жакартада даҳшатли тирбандликлар кузатилади – 2016 йилда ўтказилган изланишлар натижасига кўра, дунёдаги энг ёмон тирбандликлар агломерацияда 30 миллионга яқин киши истиқомат қилмоқда ва оқова сувнинг атиги 2-4 фоизи тозаланди. Янги пойтахт Калимантанда – уч давлат орасида бўлиб олинган Борнео оролининг Индонезияга тегишли қисмидан ўрин олади. Бу ҳукуматдан 33 млрд АҚШ доллари маблағ сарфини талаб қилади ва 900 мингдан 1,5 миллионгача кишини жойлаштириш учун 30 мингдан 40 минг гектаргача ерни эгаллайди. Орол марказида жойлашган Палангкарая шаҳри янги пойтахт сифатида танлаш учун асосий номзод сифатида бўлиб турибди. Биринчидан, бу шаҳар географик жиҳатдан

Индонезия архипелаги марказига яқин бўлса, иккинчидан, Индонезия давлатчилиги отаси ва халқ қахрамони Сукарно ҳам айнан шу шаҳарни пойтахт қилишга тавсия этган. Калимантан ороли жануби-шарқида қуриладиган Индонезиянинг янги пойтахтини **Нусантарой** деб номлашга қарор қилинди. Унинг таржимаси архипелаг (бир-бирига яқин ороллар гуруҳи) маъносини беради. Бу ҳақда мамлакат миллий тараққиётни режалаштириш вазири Сухарсо Моноарфа ҳукуматнинг пойтахтни кўчириш масаласига бағишланган мажлисида маълум қилган. “Мен президент Жоко Видододан янги пойтахт Нусантара деб аталиши бўйича тасдиқ ва кўрсатмалар олдим”, дея вазир сўзларидан иқтибос келтирган СНА телеканали. Унинг сўзларига кўра, “бу ном Индонезиядан ташқарида кенг тарқалган ва давлатни архипелаг сифатида қисқача тавсифлайди”. Мамлакат раҳбари Жоко Видодо пойтахтни Жакартадан кўчириш бўйича режаси ҳақида 2019 йилда эълон қилганди. Ана шу мақсад учун кетадиган харажатларга 32 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган. Аммо, коронавирус пандемияси сабабли лойиҳа икки йилдан сўнг қайта бошлаш режаси кўзда тутилган ҳолда тўхтатилган. Индонезия 18 мингта оролдан ташкил топган дунёдаги йирик архипелаг саналади. Мамлакатнинг ҳозирги пойтахти Жакарта Ява оролининг шимоли-ғарбида жойлашган бўлиб, 10 миллион нафардан ортиқ аҳолиси бор. Мамлакатлар у ёки бу сабабларга кўра ўз пойтахтларини бир шаҳардан бошқасига кўчиришади, демак, Индонезия бу борада тарихдаги илк давлат эмас деб ҳисобланади.

Жануби-Шарқий Осиё пойтахт шаҳарлари номларининг лексик-стратиграфик қатлами 2-жадвалда ўз аксини топган.

2-жадвал*

Жануби-Шарқий Осиё пойтахт шаҳарлари номларининг лексик-стратиграфик қатлами

№	Лексик-стратиграфик қатлам турлари	Пойтахт шаҳарлар
1	Қадимги санскрит тилида номланувчи пойтахт шаҳарлар	Сингапур, Жакарта

2	Инглиз тилида номланувчи пойтахт шаҳарлар	Пномпень
3	Вьет тилида номланувчи пойтахт шаҳарлар	Ханой.
4	Индонезия тилида номланувчи пойтахт шаҳарлари	Бандар-Сери-Бегаван
5	Тай тилида номланувчи пойтахт шаҳарлари	Бангкок
6	Малайя (Тагил) тилида номланувчи пойтахт шаҳарлари	Манила, Куала-Лумпур

(*Изох: жадвал маълумотлари муаллиф Х.М.Байқабиллов томонидан тузилган)

Биз куйида А.Азимов, М.С.Боднарский, В.А.Никонов, Е.М.Поспелов, А.Ҳазраткулов асарлари асосида Жануби-Шарқий Осиё пойтахт шаҳарларининг этимо-семантик жадвалини тузишга муваффақ бўлдик [3,4,5,6,7,8,9,10].

3-жадвал

Жануби-Шарқий Осиёдаги баъзи пойтахт шаҳарларининг этимо-семантик жадвали

№	Пойтахт номи	Қайси тилда номланган	Этимо-семантикаси	Замонавий пойтахт мақомини олган йили
1	Бангкок (Таиланд)	Араб тилида	“Ёввойи олча”	1782 йил
2	Бандар-Сери-Бегаван (Бруней)	Индонезия тилида	Бруней султони Багинда Сери Бегаван шарафига ном берилган бўлиб, “бандар” сўзи индонезияликлар тилида “савдо шаҳри” деб аталади.	1984 йил
3	Жакарта Индонезия	Қадимги санскрит тилида	“Кулай кечув жойи” деган маънони билдиради. Мамлакатдаги Жокьякарта шаҳри билан адаштирмаслик зарур.	1945 йил
4	Куала-Лумпур (Малайзия)	тилида	“Дарёнинг куйи қисмидаги шаҳар” маъносида қўлланилиб, Кланг ва Гомбак дарёлари назарда тутилмоқда.	1963 йил
5	Манила (Филиппин)	Малайя тилида	Шаҳарнинг номи малайя тилида “нилзор” деган маънони англатади (худди биздаги Ўрикзор, Бодомзор, Чилонзор каби). Маълумки, “нил”-малайя тилидан олинган бўлиб, “индиго дарахтидан кўк бўёқ олинадиган дарахт” демакдир.	1946 йил
6	Пномпень (Камбожа)	тилида	“Пном ибодатхонаси”	1953 йил

7	Сингапур (<i>Сингапур</i>)	Қадимги санскрит тилида	“Шер шахри”	1965 йил
8	Ханой (<i>Вьетнам</i>)	вьет тилида	<i>Ханой</i> сўзи вьет тилида “ <i>ха</i> ” – “ <i>дарё</i> ”, “ <i>ной</i> ” – “ <i>оралиқ</i> ”, “ <i>ичи</i> ” маъносида “ <i>дарё билан ўралган</i> ”, “ <i>дарё ўртасидаги шаҳар</i> ” деган маънони англатади. Шаҳар Хонгха (Қизил) дарёси қирғоғида жойлашган.	1976 йил

Хулоса. Жануби-Шарқий Осиё минтақасида жойлашган пойтахт шаҳарларнинг баъзиларининг номларида семантик жиҳатдан табиий омилларга боғлиқ ҳолда (рельеф, гидрография, флора, фауна) топонимик элементларни кўришимиз мумкин. Шунингдек, минтақадаги баъзи пойтахт шаҳарларнинг номларини иқтисодий-ижтимоий омиллар ҳамда этник гуруҳлар ва уларни аҳоли манзилгоҳлари асосида шаклланишини қайд этишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2016. – 76 б.
2. Нигматов А.Н., Байқабиллов Х.М. Жаҳон мамлакатлари номларининг географик ва топонимик асослари. Монография. Қарши: ”Насаф” НМИУ, 2021. – 156 б.
3. Боднарский М.С. Географик номлар луғати –Т.: Ўрта ва олий мактаб, 1961, 459 б.
4. Nakimov Q. Toponimika . –Т.: “Mumtoz so’z”, 2016. 368 б.
5. Все столицы мира: Популярный справочник. Авт.-сост. Л.М.Еремина. – М.: Дрофа, 2001. – 304 с.
6. Жаҳон мамлакатлари: қисқа маълумотнома / масъул муҳаррир А.Ҳазратқулов. –Т.: “Шарқ” НМАК Бош таҳририяти, 2006, 383 б.
7. Азимов А. Слова на карте. Географические названия их смысл. – М.: ЗАО Центрполиграф, 2007.-367с.
8. Поспелов Е.М. Школьный топонимический словарь – М.: Просвещение, 1988.-224с.
9. Никонов.В.А. Краткий топонимический словарь.М., “Мысль”,1966. 509с
10. Все столицы мира: Популярный справочник / Авт. -сост. Л.М.Еремина; - М: Дрофа, 2001, - 304 с.
11. Интернет сайт: wikipedia.org